

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида бўлиб ўтган пресс-конференция тўғрисида

2018 йил 28 июнъ Олий аттестация комиссиясида пресс-конференция ҳамда илмий тадқиқотчиларни илмий даражаларда тасдиқланганлик тўғрисидаги дипломни топшириш тадбири бўлиб ўтди. Унда ОАК раиси «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари» мавзууда маъруза қилди. Маърузада ОАКда бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар, жумладан: “ОАК низомлари қайта ишланиб, тасдиқланди ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди. Мазкур низомларда халқаро илгор амалиёт, самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш, диссертация сифати ва самарадорлигини ошириш, имтиҳонлар таркибини оптималлаштириш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган;

“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослилиги рўйхати”, “Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари” ва “Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар” қайта кўриб чиқилди ҳамда рўйхатдан ўтказилди;

сиёсий фанлар тикланиб, ихтисосликлар рўйхатига киритилди;

исломшунослик фанлари ихтисосликлар рўйхатига киритилди;

самарали ва натижадор илмий фаолиятни рағбатлантириш учун муҳим илмий янгиликлар олган ва катта аҳамиятга эга бўлган 3 тагача ихтиро патенти муаллифига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини диссертация ҳимоясизиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тартиби киритилди;

муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда керакли микдорда мақолалар чоп эттирган мутахассисга фалсафа доктори (PhD) ва илмий даражага эга бўлган талабгоргра фан доктори (DSc) илмий даражасини диссертация ҳимоясизиз илмий кенгашда презентация асосида бериш тартиби киритилди;

2 та малакавий имтиҳон қолдирилган ҳолда (ихтисослик ва чет тили) барча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди (маҳсус фан бўйича малакавий имтиҳон фақат ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий унвонлар талабгорлари учун қолдирилди);

IELTS, TOEFL, CEFR, Test DaF, GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF ва Давлат тест марказининг малакавий сертификатига эга изланувчилар чет тили бўйича малакавий имтиҳонни топширишдан озод этилди;

диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати илк бор тўлиқ шаклда ишлаб чиқилди”.

Ундан ташқари бундан кейинги режалар ҳамда илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқланганлар тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритилди.